

Луғат мақоласида мисол миқдори ҳам чегараланган бўлади; корпусда аксинча: мисоллар чексиз. Қидирилган битта сўзнинг минглаб мисоллар контекстига ҳавола қилиш имкони бўлади. Албатта, бу дунёдаги катта тил корпуслари НКРЯ [4], BNC [5] каби корпуслар мисолида текширилган ҳулоса.

Адабиётлар

1. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. –Тошкент: “Фан”, 1995.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати (А.Мадвалиев таҳрири остида). 5 жилдли. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2000-2006.
3. Хамроева Ш. Ўзбек тили муаллифлик корпусини тузишнинг лингвистик асослари: Фил. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD)... дис. – Бухоро: 2018.
4. <http://www.ruscorpora.ru/reqsem.html>
5. <http://www.natcorp.ox.ac.uk/>
6. Ахмедова Д. Семантик разметка тизимида тег гуруҳлари. “Oriental art and culture” scientific methodical journal. –Kokand: 2020. №3. 440-444-б.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада тил корпуси учун ахборот манбаси бўла оладиган луғатлар, луғат мақоласининг тузилиши ҳамда бу маълумотларнинг корпус бирликларини теглашдаги имкониятлари тўғрисида фикр юритилган.

РЕЗЮМЕ

В этой статье обсуждаются словари, которые могут быть источником информации для языкового корпуса, структура словарной статьи и возможности использования этой информации при переходе к единицам корпуса.

SUMMARY

This article discusses dictionaries that can be a source of information for the language corpus, the structure of the dictionary commentary, and the possibilities of this information in tapping corpus units.

АТОҚЛИ ОТЛАРНИНГ ТИЛ ЛУҒАВИЙ ҚАТЛАМИДАГИ ЎРНИ

М.Б.Бахтиёрова – таянч докторант

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети

Таянч сўзлар: лингвомаданиятшунослик, маданият, тил, этнос, менталитет, антропология, эталон, парадигма.

Ключевые слова: лингвокультура, культура, язык, этнос, менталитет, антропология, эталон, парадигма.

Key words: linguaculture, culture, language, nation, mentality, anthropology, etalon, paradigm.

Лингвомаданиятшуносликни бугунги кунда тилшуносликнинг жадал ривожланаётган, тилда ўз ифодасини топаётган ва барқарорлашаётган халқлар маданиятини кишилар ўртасидаги муносабатларнинг муайян бир шакли сифатида тадқиқ қилинаётган янги йўналиш сифатида талкин қилиш мумкин. Н.М.Махмудовнинг ёзишича “лингвокультурология тилни маданият ҳодисаси сифатида ўрганади. Бу дунёни миллий тил призмаси орқали ўзига хос тарзда кўриш бўлиб, бунда тил алоҳида миллий менталликнинг ифодачиси сифатида иштирок этади. Бугун лингвокультурология рус ва бошқа хорижий тилшуносликларида алоҳида лингвистик йўналиш сифатида шаклланди ва ривожланиб бормоқда. Вазифаси тил ва маданият, тил ва этнос, тил ва менталитет ўртасидаги ўзаро муносабатни тавсиялаш ва ўрганишдан иборат бўлган бу йўналиш ўзбек тилшунослигида кўпроқ қиёсий аспектдаги изланишларда энди-энди бошланмоқда” [13: 51].

Тилшуносликнинг лингвокультурология йўналиши, қатор тадқиқотларда қайд этилишича, тилнинг кумулятив функциясига таянади, у орқали муайян бир халқнинг турмуш тажрибалари, олам ҳақидаги тасаввурлари ва оламни билишдаги ҳис-туйғуларни лисоний бирликларда ўз аксини топади ва авлоддан авлодга ўтади. Бу концепцияга мувофиқ, тил оламни концепциялаштиришнинг ва инсон тажрибаларини умумлаштиришнинг, олам ҳақидаги билимларни, инсоният ҳаётидаги ижтимоий муҳим тарихий ҳодисаларни сақлашнинг дастлабки шакли сифатида талкин қилинади.

Таниқли социолог олим Роберт Уатноу ўзининг «Халқнинг ҳаётий луғати» (Vocabularies of Public Life) номли китобининг кириш қисмида қуйидагиларни ёзади: “Бизнинг асримизда, маданиятни таҳлил қилиш эҳтимол барча бошқа даврлардагига нисбатан кўпроқ инсон ҳақидаги фанларнинг марказида турибди”. Бундай тоифадаги тадқиқотларнинг муҳим хусусиятларидан бири уларнинг фанлараро характерга эга эканлигидир. Антропология, адабий танқид, сиёсий фалсафа, динларни ўрганиш, маданият тарихи ва когнитив психология бу борада бой манбаларга, ҳулосаларга эга ва улардан янги ғояларни излаб топиш мумкин” [9].

Ғ.Исмоиловнинг таъкидлашича, тадқиқ жараёнида маданиятнинг учта ўзига хос хусусиятлари аниқланган: 1) Системали характерга эга бўлади: “Маданият ижтимоий аҳамиятга эга дастурлар, меъёрлар, эталонлар, парадигмалар, фаолият, ҳулқ-атвор ва мулоқот тизими бўлиб, улар мазкур соҳаларнинг яқка, дискретик актларини ўзаро мувофиқлаштиради ва шу тарика ижтимоий тизимчалар ва жамиятнинг яхлитлигини таъминлайди” [https://sites.google.com/site/philustu/home/33-sistemnyj-harakter-cultur]. 2) Кумулятив хусусияти: “Маданият – бу халқнинг ўзига хос тарихий хотирасидир” [15:227]. 3) Коммуникатив хусусияти: “Коммуникатив даражада у ёки бу жамоага хос лисоний ва маданий анъаналар ёрдамида мулоқот қилиш демакдир. Мазкур ўзаро алоқа даражасининг натижаси бу – инсонлар ўртасидаги муроса ва бир-бирини тушунишдир [7]. Маданият одамларнинг ўзаро мулоқот қилиш шакли бўлиб, одамлар ўзаро алоқа қиладиган жамоадагина намоён бўлади; маданият, биринчидан

Тилда мавжуд бўлган номларнинг хилма-хил хусусиятлари жуда қадимги даврлардан буён турли соҳа олимларининг диққатини ўзига жалб этиб келаётганлиги қадимги юнон олимлари Арасту, Демокрит, Гераклитнинг асарларида ҳам атоқли отларнинг хусусиятлари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилганлиги билан ўз исботини топади. Жумладан, Аристотель “Поэтика” асарида отни нутқ бўлақларидан бири деб ҳисоблайди ва унга қуйидагича таъриф беради: “От мураккаб, маъно англатувчи, замонни билдирмайдиган, қисмлари ўз-ўзидан маъно англатмайдиган сўздор” [19]. Эрамизгача 1- асрда яшаган Юлий Поллукс “Ономастик” номли атоқли отларга изоҳ берувчи луғат яратган. Стоиклар, жумладан, Хрисипп атоқли отларни алоҳида тил бирлиги, сўзлар гуруҳи деб тасниф қилган эди. Уйғониш даврида ва ўрта асрларда (Т.Гоббс, Ж.Локк, Г.Лейбниц) ҳамда бутун XIX аср давомида (Ж.Милль, Х.Жозеф ва бошқалар) атоқли отлар, уларнинг тил луғавий қатламидаги ўрни масаласига доир мунозара давом этади. Бу соҳада энг муҳим масала атоқли отлар кандай маъно билдиришини аниқлашдан иборат эди. XVIII-XIX асрлар давомида бу муаммо фақат тилшунослар томонидан эмас, файласуфлар, мантик

олимлари томонидан ҳам ўрганилган. Бу муаммони ўрганишга йирик инглиз мантиқшунос олими Жон Стюарт Милль (1806-1873) жуда кўп куч сарфлади. Унинг талқинича, атоқли отлар маъно билдирмайди, улар ўзига хос белгилар, ёрликлар сифатида предметни билишга, уни бошқа предметлардан фарқлашга ёрдам беради. Бирор предмет, кишининг номи (атоқли от) ўша предмет ёки шахс тавсифи учун тўла асос бўла олмайди. Ўз фикрларини ривожлантириб, Ж.Милль сўзларни икки гуруҳга ажратади:

а) сўз-белгилар, б) характерловчи (коннотацияловчи) сўзлар.

Коннотацияловчи сўзлар атоқли отлардан кейин вужудга келган.

Яна бир инглиз мантиқшуноси Х.Жозеф атоқли отлар ҳақида Ж.Милльга қарама-қарши фикрларни билдирган эди. Унинг фикрича атоқли отлар турдош отларга нисбатан кенгрок ва кўпроқ маънога эгадир. Масалан, *“Паликур* (киши исми. афсонавий Энейнинг ҳамроҳи. йўлдоши) *эйтибордан четда қолди*” гапи *“Инсон эйтибордан четда қолди*” гапидан анча мазмунлироқдир (Joseph 1916).

Номлаш муаммолари ўрта асрларга келиб XI асрда пайдо бўлган реалист ҳамда номиналистлар нуктаи назарларидаги қарама-қаршиликларда ўз аксини топди. Мунозаралар илоҳий борлиқнинг мавжудлиги, умум ва моддий борлиқни қамраб олиш эҳтимоли борлиги муаммоларига бориб тақалар эди. Номинализм нарсалар тушунчалар билан бирга мавжуд деган ғояни илгари сурса, реализм умумий тушунчалар нарсалардан алоҳида ҳолда мавжуд бўлиши эҳтимолини илгари сурадилар ва мисол тариқасида илоҳий онг ҳақидаги фикрларнинг мавжудлигини келтириб ўтадилар.

Номиналистлар ва реалистлар қарашларини концептуализм фалсафаси остида бирлаштиришга йўналтирилган уринишларни XII асрда П.Абеляр амалга оширди, унинг фикрига кўра, умумий тушунчалар нарсалардан айро ҳолатда ҳам, нарсалар билан бирга ҳам мавжуд эмас, балки нарсаларни тадқиқ этиш жараёнида ақл ёрдамида ажратиб олинади, яъни умумийлик концептуал ҳолатда мавжуд бўлади.

XX асрда Х.Жозеф реалистлар, номиналистлар ва концептуалистлар ўртасидаги фарқларни ажратиб бериш асосида бир хил индивидуал ном олган объектлар, номларидан ташқари ҳеч қандай умумийликка эга эмас дея тарғибот қилаётган номинализм, бир хил ном олган объектлар универсалия (universal) деб аталувчи умумий хусусиятларга эга деган фикрга эргашаётган реализмга онтологик нуктаи назардан қарама-қарши туради деган фикрни олға сурди. У ўзини концептуалистлар тарафдори деб ҳисоблади ва индивидлар индивид бўлгани учун ҳам бир хил табиатга эга бўла олмайди, аммо индивидларга хос баъзи бир хусусиятлар (concepts) асосида сон-саноксиз одамлар ҳақида умумий хулосалар чиқариш мумкин дея таъкидлади. Ўз замонасининг атоқли отлари концепциясини таҳлил қилаётиб, Х.Жозеф инглиз мантиқшуноси Ж.Миллнинг ғояларига алоҳида эътибор қаратди, бу ғояларни у номиналистик деб ҳисоблар эди [6].

XX асрда атоқли отлар ҳақидаги мантикий йўналишни машхур инглиз файласуфи ва мантиқшуноси Бертран Рассел (1872-1970) янада ривожлантирди. Унинг фикрича, маълум маконда ва замонда атоқли отлар ёрдамида ифодаланувчи маъно турдош отларга нисбатан аниқроқ, илмийроқ характерга эгадир. Бу жиҳатдан атоқли отлар *бу, ўша, ана шу, ана бу* сингари кўрсатиш олмошларига жуда яқин туради [8].

Дания тилшуноси Пауль Кристоферсен атоқли отлар билан турдош отлар орасидаги фарқни уларнинг биринчиси аниқ, конкрет маънони, кейингиси эса

мавҳум маънони ифодалашида кўради. Атоқли отлар индивиднинг, шахснинг бевосита исми, номи бўлса, турдош отлар билвосита номлардир. Турдош отлар дастлаб бутун бир гуруҳ, тўда номини билдиради, кейинчалик бу ном конкретлашади.

Инглиз тилшуноси Алан Гардинернинг *“Атоқли отлар назарияси”* (1954) номли асари ономастика фанини янги босқичга кўтарди. Ж.Миллнинг атоқли отларда маъно йўқлиги ҳақидаги фикрини ривожлантириб А.Гардинер атоқли отлар ўзига хос номлар бўлиб, предмет, воқеа-ҳодиса ҳақида аниқ, конкрет тасаввурлар йиғиндисини ўзида ифода этади деган фикрни илгари суради. Бу жиҳатдан атоқли отлар иккига бўлинади: а) мужассамланувчи, тимсол бўла олувчи атоқли отлар ва б) мужассамланмовчи, тимсол бўла олмовчи атоқли отлар. Масалан, *Вильям Шекспир, Темза дарёси* каби атоқли отлар мужассамланувчи атоқли отлар гуруҳига қиради, чунки улар маълум бир шахс (бу ўринда буюк драматург) ва географик объект (бу ўринда дарё) ҳақида умумий, яхлит тасаввур беради. Агар биз оддийгина қилиб Вильям десак, бу мужассамланмовчи, киши исми ҳақида умумий тасаввур берувчи атоқли отни билдиради. Мужассамланувчи атоқли отлар тарихий нуктаи назардан бирмунча олдинроқ мавжуд бўлган атоқли отлардир. Масалан. *Амир Темур, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур* каби антропонимлар бу назарияга кўра мужассамланувчи атоқли отлар гуруҳига қиради, чунки улар мамлакатимиз давлатчилиги тарихи, маданиятида жуда катта ўрин тутган машхур шахслар ҳақидаги тимсолларни ўзида мужассамлаштиради. Ота-оналар ўз болаларини ана шундай машхур шахсларга ўхшашини орзу қилиб қўйган *Темур, Темурбек, Улугбек, Алишер, Бобур* каби антропонимлар эса мужассамланмовчи атоқли отлар сирасига мансубдир [16].

Таникли тилшунос М.И.Стеблин-Каменский қадимги исланд адабиёти материаллари асосида ономастик лексикани мужассамланиш нуктаи назаридан ўрганар экан, исланд адабиётида қўлланилган ономастик лексикада умуман *“мужассамланиш”* ҳодисаси бўлмаганлигини қайд қилади. Унинг фикрича, ҳар қандай атоқли от муайян денотатни, маънони ифодалаб келган [14].

Ўз вақтида Т.Гоббс томонидан ишлаб чиқилган атоқли отларнинг *“мужассамланиш”* хусусияти ҳақидаги таълимот кейинчалик Г.Лейбниц томонидан янада такомиллаштирилган эди. Немис файласуф олими Г.Лейбницнинг фикрига кўра, атоқли отларда конкрет ва мавҳум тафаккур элементлари ифодаланган бўлади. Олимнинг бу фикри атоқли отларни тилда (мулоқотнинг белгили элементлари тизимида) ва нутқда (бу элементларнинг коммуникатив нуктаи назардан қўлланишида) олиб қараш нуктаи назаридан аҳамиятлидир. Ана шундай қарашлар туфайли тилшуносликда атоқли отларга абстракт-мантикий ва конкрет-тарихий нуктаи назардан ёндошув вужудга келди [11].

Ўз вақтида Дж.Милль томонидан асосланган атоқли отларда ҳеч қандай маъно элементи йўқ, деган илмий қараш кейинчалик В.Брөндаль, Э.Бойссенсом, Л.Ельмслев каби таникли тилшунос олимлар томонидан ривожлантирилди. Натижада айрим олимлар, жумладан, Дания тилшуноси Кнуд Тоггебу атоқли отлар (жумладан, олмошлар ҳам) семантик мазмунга эга бўлмаганлиги учун ўзаро синонимлардир. Шунга кўра яқка индивид, шахс бир неча исмга, бир неча шахслар эса бир умумий исмга эга бўлиши мумкин, бунга мисол қилиб адашлар ва фамилиядошларни келтириб ўтиш мумкин. Бу фикрга тесқари қарашлар ҳам мавжуд, яъни атоқли отлар, сўз бўлгани учун худди турдош отлар каби хилма-хил

хусусиятларга эгадир. Бундай қараш ўз вақтида файласуф-стойклар томонидан асосланган эди, кейинчалик XIX асрда Х.Джозеф, Дж.Милль, XX асрда О.Есперсен каби олимлар томонидан ривожлантирилди. Масалан, Даниялик олим О.Есперсеннинг таъкидлашича, “атокли отлар турдош отларга нисбатан кўпроқ хусусиятларга эгадир. Атокли отлар ўзида жуда кўплаб белги- хусусиятларни коннотация қилади” [18].

XX асрнинг 60-70-йилларида таникли рус тилшуноси А.В.Суперанская атокли отларнинг тилшуносликда (айниқса, чет эл тилшунослигида) ўрганилиш тарихи билан махсус шуғулланиди, ҳамда «Атокли отларнинг умумий назарияси» номли йирик тадқиқотини эълон қилди. Исmlар ўз объекти ҳақида маълум бир ахборотларни бериши мумкин деган фикрни олға суриш баробарида, профессор А.В.Суперанская ушбу ахборотларнинг уч типини қайд қилиб ўтади: 1) лисоний, яъни тил бирлиги сифатида улар шахсларни аташга, индивидларни бир-биридан ажратишга хизмат қилади; 2) нутқий, яъни ушбу ахборот турида сўзловчининг шу исмга муносабати ифодаланади; 3) комусий, комусий информация эса антропоним асослаган апеллятив маънога яқинлашади (Назокат исмида нозиклик, ноз семалари доминантлик қилади) (Суперанская А.В. Общая теория имени собственного. М., 1973).

Шундан кейин В.А.Никоновнинг “Исм ва жамият” (1974), А.Карпенконинг “Атокли ва турдош отларни фарқлашнинг назарий асослари” (1975), А.Д.Зверевнинг “Атокли ва турдош отлар ҳақида” (1976), И.И.Коваликнинг “Украин тилида атокли ва турдош отлар” (1977) номли асарлари эълон қилинди; “Атокли ва турдош отлар” номли алоҳида илмий тўплам нашр этилди (1978). Таникли олим А.А.Реформатский ўз вақтида атокли ва турдош отларни қуйидагича фарқлашни таклиф этган эди: атокли отлар биринчи навбатда номинатив функцияга эга, яъни муайян предметларни, нарсаларни алоҳида номлаш учун хизмат қилади, турдош отлар эса семасиологик, яъни ифодаловчи функцияни бажаради, яъни улар предмет, воқеа-ҳодисаларни номлаш билан бирга улар ҳақидаги тушунчани ҳам билдиради [17].

Инсон ва нарсаларнинг номи уларга хос бўлган табиатларидан келиб чиққан ҳолда, айниқса, табиатларидаги муҳим хусусиятларга урғу берилган ҳолда ўзлаштирилади деган фараз кўпгина философ ва тилшунос олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топди (Лосев 1990; Лотман 1971; Топоров 1989; Флоренский 2000). Объектнинг моҳиятини англашда номларнинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратган П.Флоренский, жумладан, шундай ёзади: “ном шундай нозик хилқатки, у орқалигина руҳий моҳият англашилади”. Православ мазҳабига мансуб кўпгина номларнинг бир қатор конкрет тарихий шахслар тақдирига дахлдорлиги хусусида таҳлиллар олиб бориш натижасида у берилган номда шахснинг қандай кишилар сирасига мансублиги акс этади, унинг руҳий ва маънавий моҳиятини аниқлаштириб берувчи онтологик шакли ифодаланади деган хулосага келади. (Флоренский 2000: 40)

Номлаш табиатини тушунишга қаратилган ва кўпгина бахсларга сабаб бўлган ушбу ёндошув

кишиларга туғилган пайтларида эмас, балки ҳаётлари давомида ном берилиши; шунингдек, баъзи эстетик афзалликларни маъқулаш туфайли ёки ўз ички эҳтиёжларидан келиб чиқиб кишилар ўзлари учун янги ном танлаб олган ҳолатлардагина ўзини оқлар эди. Амалиёт шуни кўрсатдики, янги ном кишини ўзгартиради, аммо бунинг учун одамнинг ўзи ҳам ҳаётидаги янги бурилишларга тайёр бўлиши керак, янги танлаб олинган ном эса инсоннинг ҳаётида янги давр бошланишига туртки бўлади. Номларнинг аҳамияти яна шу билан муҳимки, уларда оилавий ва умумий анъаналар, удумлар мужассамлашган бўлади, улар вақт ва маконда индивидларга қараганда моҳиятан бутунлай реал ва тенгсиз кўламда мавжуддир (Степанов 1998: 185).

Бу муаммо ҳозирги кунга қадар тилшунослар, файласуфлар ва бошқа фан вакиллари кизиқтириб келмоқда. Масалан, 1978 йилда Краков шаҳрида ўтказилган XIII халқаро Ономастик конгресс “Турдош отлар ва атокли отлар” муаммосига бағишланган эди. 1984 йилда Лейпциг шаҳрида ўтказилган XV халқаро Ономастик конгресс эса атокли отларни социолингвистик йўналишда ўрганиш муаммоларини муҳокама қилган эди [10].

1973 йилда тил фалсафаси бўйича йирик мутахассис Евгений Гродзинскийнинг “Атокли отлар умумий назариясидан очерк” номли монографияси эълон қилинади. Бу ишда Е.Гродзинский атокли отларни қуйидаги уч гуруҳга ажратади: а) бир десигнатли (десигнат - сўз орқали ифодаланувчи предмет, ифодаланувчи денотат) ёки идеал атокли отлар; б) кўп десигнатли атокли отлар; в) бўш, ёки десигнатга эга бўлмаган атокли отлар (мавжуд бўлмаган предметлар, мифологик тасаввурларни ифода этувчи атокли отлар).

Ж.Милль ва унинг тарафдорлари томонидан олға сурилган атокли отларда маъно ва коннотация ифодаланмаслиги ҳақидаги назарияга муносабат билдириб, Е.Гродзинский атокли отлар ҳам бирор предмет, воқеа-ҳодиса ҳақида маъно билдиради, десигнатга эга бўлади, деган фикрни асослашга интилади.

Илмий адабиётларда қайд этиладики, янги туғилган чақалоққа ном танлаш/бериш тасодифий ҳолат эмас, у оилавий ёки диний анъаналарга биноан, ҳар хил маданий факторларга кўра, жойлардаги умумий ономастик тамойиллар, номларда мавжуд стилистик ахборот, лисоний-экспрессив бўёқдорлик, ёки шунчаки урф асосида шартланган бўлиши мумкин. (Гильфанова 2008, Гилязов 2010, Ефименко 2009, Куликова 2016, Намитокова 2010, Щетинин; Algeo 2000, 1986, Clark 1996, Dunkling 1977, Hanks 2006, Harrison 1990, Lawson 1987, Seeman 1980, Som 1989, Watzlawik 2016). Демак, кўпгина мамлакатларнинг ҳозирги замондаги маданияти шароитида ҳам атокли отлар ўз соҳиби учун маълум маънони сақлаб қолган (Гарагуль 2012, Мухин 2007, Kaplan 1999, Miller 2016, Rieger 2015, Rolt 2017, Watzlawik 2016).

Умуман олганда, тилшуносликда атокли отларнинг умумназарий муаммоларини тадқиқ этиш соҳасида ечимини қутаётган муаммолар жуда кўп. Бу эса келгусида ономастикага доир тадқиқотларни янада кучайтиришни талаб қилади.

Адабиётлар

1. Bram B. Major total conversion in English: the question of directionality. – Victoria University of Wellington, 2011. – P. 335.
2. Charles, Lucille Hoerr. "Drama in First-naming Ceremonies." *Journal of American Folklore* 64 (1951): 11-35.
3. Croft W. Syntactic categories and grammatical relation: The cognitive organization. –Chicago: University of Chicago Press, 2003. –133p.
4. Garwood, S. Gary. "First-name Stereotypes as a Factor in Self-concept and School Achievement." *Journal of Educational Psychology* 68 (1976): –P. 482-487.
5. Hartman, A. Arthur, Robert C. Nicolay, and Jesse Hurley. "Unique Personal Names as a Social Adjustment Factor." *Journal of Social Psychology* 75 (1968): –P. 107-110.
6. Joseph H. *Language Universals: With Special Reference to Feature Hierarchies*. The Hague: Mouton & Co. 1966.

7. Lotman Y. *A Survey of Semiotics*. Dalkey Archive Press: Champaign, London, Dublin. [ISBN 978-1564789969](#).
8. Russel B. *A History of Western Philosophy*. – London: Heinemann, 2008. – 499p.
9. Wuthnow R. *Vocabulary of Public Life*. – London: Routledge, 2002. – 280 p.
10. Агеева Р.А., Бахьян К.В. Социолингвистический аспект имени собственного (К ХУ Международному конгрессу по ономастике, 13-17 августа 1984 г., Лейпциг). – М.: «Наука», 1984. – С. 5-12.
11. Березин Ф.М., Головин Б.Н. Общее языкознание. – М.: «Высшая школа», 1979. – С. 21-23.
12. Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. – Москва: 2006. –С. 144.
13. Махмудов Н.М. Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб//Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 2012. № 5. 50-55 б.
14. Стеблин-Каменский М.И. Древнеисландская топонимика как материал к истории имени собственного. Стеблин-Каменский М.И. Спорное в языкознании. – Л.: «Наука», 1974. – С. 105-106.
15. Телия В.Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологические аспекты. – Москва: 1996. –С. 288.
16. Юлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. -Тошкент: «Фан», 2007. 123- б.
17. Реформатский А.А. Введение в языковедение. – М.: 1967. – С. 29-30; 57-62.
18. Jespersen O. *A Modern English Grammar - On Historical Principles - Part VI – Morphology*. Yutang Press (August 21, 2013), - P.586.
19. Аристотель. Поэтика (поэзия санъати хақида). Русчадан М.Махмудов, У.Туйчиевлар таржимаси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980. 41-б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада атоқли отлар лингвомаданиятшунослик аспектида ўрганилган. Когнитив тилшуносликнинг ривожланишига ҳисса қўшган олимлар ишларига обзор берилган. Ҳар бир тушунчани концепт сифатида ўрганиш миллат ва халқ маданияти илдиэларини аниқ тасаввур этишга ёрдам бериши асосланган.

РЕЗЮМЕ

В статье исследуются имена существительные с точки зрения лингвокультурологии. Предстается обзор работ учёных, внесших вклад в развитие когнитивной лингвистики. Изучение каждого понятия как концепт основано на том, чтобы помочь чётко вербализовать истоки нации и культуры народа.

SUMMARY

The article examines nouns from the point of view of linguacultural . There is presented an overview of the works of scientists who have contributed to the development of cognitive linguistics. The study of each idea as a concept is based on helping to clearly verbalize the origins of the nation and the culture of the people.

УДК: 39.78

ХАЛҚ МУСИҚА АСБОБЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЭТНОГРАФИЗМЛАР

З.Р.Эшмуродова – докторант

“Ипак йўли” туризм халқаро университети

Таянч сўзлар: флейта, найсимон асбоблар, арфа, люнта, шох, бургу, доира, карнай, гресл.

Ключевые слова: флейта, флейтовые инструменты, арфа, люнта, рог, труба, бубен, горн, гресл.

Key words: flute, flute instruments, harp, horn, trumpet, circle, graisle.

Маънавият ўз-ўзидан пайдо бўлмади, унинг мавжудлиги асрлар давомида халқ, миллатнинг буюк сиймолари, мутафаккирлари томонидан бажарилган жуда катта ижтимоий-маънавий фаолиятнинг натижасидир. Маънавият миллат ёки халқнинг тарихий жараёнларда ижтимоий тараққиётга эришувига қафолат беради. Зеро маданият, санъат, маданий мерос ҳар қандай жамият миллат ва халқнинг ўқ илдиэи тамал тошидир. Маънавият миллатни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий бухронлардан сақлаб қолишнинг муҳим шартидир. Миллатнинг ўтмиш ва келажак олдидаги масъулияти маънавиятга алоҳида эътибор беришни такозо этади.

Ибтидоий одамлар ҳаётида моддий-иқтисодий турмуш муаммолари меҳнат фаолияти самаралари билан бевосита боғлиқ бўлган. Бу кўпроқ ҳаётдаги рухий ҳолатлар, кечинмалар асосида пайдо бўлган. Шунинг учун ҳам турли халқлар мусиқа, рақс санъати, нутқ билан боғлиқ фаолиятни бир-биридан ажратиш жуда қийин бўлган. Қадимги мусиқа санъати жанрлари ва шакллари ранг-баранг бўлиб, улар ижтимоий турмуш, халқ анъаналари ҳамда маросимлари билан бевосита боғлиқ бўлган. Халқларнинг қўшиқчилик маданияти ва рақс санъати асосан мадҳиялар, аллалар, йиғи, ҳарбий чақириқлар, ибодат қўшиқлари, диний маросимлар, тантаналар ва байрамларда ижро этиладиган қўшиқ ва рақслардан иборат бўлган.

Академик А.Асқаровнинг фикрича, «Авесто» китоби, археологик ёдгорликларда келтирилган маълумотлар бронза даври охирилари ва илк темир даври халқимиз ижтимоий маданияти ҳақида тўлиқ тасаввур бериши мумкин. Ўрта Осиё ва умуман шарқ халқларида «Авесто»гача бўлган даврда қўшиқчилик санъати, умуман мусиқа санъати мавжуд бўлган. «Авесто» муқаддас китоби қадимда Шарқ халқларида дин ва қўшиқчилик манбаи, бир-бирини тўлдирувчи

маданий-мафкуравий омил сифатида вужудга келган. Бизнингча «Авесто» ижодкорлари уни қўшиқ шаклида, қироат усулида баён этганликларининг ҳам ўзига хос хусусияти бўлса ажаб эмас, зеро бундай усул уни ўзлаштирувчилар учун ортикча қийинчилик туғдирмаган. Ушбу китобда мазкур ҳудудда яшовчи халқларнинг маданий-мафкуравий даражаси ва савияси, уларнинг ижтимоий талаб ва эҳтиёжлари эътиборга олинганга ўхшайди. Маълумки, Ўрта Осиё ва Шарқ халқларининг кўпчилик қисми оташпарастлик динида бўлган ва оловга, куёшга сиғинганлар. Зардушт Ахурамазда бу диннинг йўл бошловчиси, пайгамбари ҳисобланган. Шу мақсадни амалга ошириш учун у Гатлар (ёки гоҳлар) деб аталувчи, аслида қўшиқ қилиб айтишга мўлжалланган меъёрлар яратган. Масалан: Навоий вилоятининг Сармишсой қоятошига қизилган тарихи эрамиздан олдинги III-II минг йилликларга бориб тақалувчи юздан ортик (улар орасида рақсга тушаётган кишилар тасвирланган иккита расм бор) расмлар ўша даврларда аждодларимизнинг овчилик, деҳқончилик билан шуғулланганлигини кўрсатади [2:45].

Юнон мифологиясига кўра, биринчи мусиқа асбоби - чўпон найини - илоҳ Пан ясаган. Кунлардан бир кун у қирғоқда камиш гишшасига пуфлайди ва поя бўйлаб ўтган нафаси ҳазин бир нола чиқарганини эшитади. У пояларни калта-узун қилиб қирқади, қўшиб боғлайди, шундай қилиб, илоҳнинг измида биринчи мусиқа асбоби пайдо бўлади. Ибтидоий мусиқа одамлар турмушининг салмоқли қисмини ташкил этган. Илоҳ Пан ва камиш ҳақидаги афсона одамзот қай йўсинда шу қадар рангбаранг мусиқа асбобларини ясашга қодирлик даражасига етишганини тахмин қилишимизга имкон беради.

Ўрта асрларда сарбадорлар-салб юришлари иштирокчилари юришларидан Машрикзаминнинг бир